

**Источник и список использованной литературы:**

1. Материал из Википедии — свободной энциклопедии ru.wikipedia.org
2. Толковый словарь русского языка: Ок. 100 000 слов, терминов и фразеологических выражений / С. И. Ожегов; под ред. проф. Л. И. Скворцова. — 28е изд., перераб. — М.: ООО «Издательство «Мир и Образование»: ООО «Издательство Оникс», 2012. — 1376 с.
3. Калугина Я.Н. Совершенствование системы кредитования субъектов предпринимательской деятельности банками с государственным участием в Российской Федерации. Диссертация на соискание ученой степени к.э.н. -СПб.: 2019. -229 с.
4. Батычко В.Т. Финансовое право. Конспект лекций. – Таганрог: ТТИ ЮФУ, 2009.
5. Мазикова Е.В. Коммерческие банки и малый бизнес: основные направления сотрудничества. // Молодой ученый. – 2014. – №3. – С. 466-469.
6. Устинова, О.В. Проблемы кредитования малого и среднего бизнеса / О.В. Устинова, Л.М. Пилипенко. // Фундаментальные исследования. – 2016. – № 2-3. (659-663.-с) ISSN 1812-7339.
7. Mahomadrizoevna K. A. THE IMPORTANCE OF BANK LENDING IN THE DEVELOPMENT SPHERE OF TOURIST SERVICES //World Economics and Finance Bulletin. – 2022. – T. 7. – C. 11-17.
8. Karimova A. M. Development of tourism business with the help of bank lending in Uzbekistan //Наука, образование, инновации: Актуальные вопросы и современные аспекты. – 2021. – С. 106-108.
9. Karimova A. M. Turizm soha subyektlarini tijorat banklari tomonidan moliyalashtirish orqali qo'llab quvvatlashni takomillashtirish //International journal of conference series on education and social sciences (Online). – 2021. – Т. 1. – №. 1.
10. Каримова А. Совершенствование банковского кредитования инновационного развития предприятий сферы туризма //Иқтисодиёт ва таълим. – 2021. – №. 4. – С. 59-65.
11. Пужаева Я.Б. Анализ кредитования малого и среднего бизнеса в России // Экономика и современный менеджмент: теория и практика: сб. ст. по матер. XIX междунар. науч.-практ. конф. – Новосибирск: СибАК, 2012.
12. Niylazovich, Kurbanov Ziyat. "Organization of Tax Audit in the Republic of Uzbekistan." International Journal of Research in Social Sciences 10.4 (2020): 34-43.



## **БАНКЛАР КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИННИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**Курбонов Руфат Бахтиёрович -**  
**Тошкент молия институти "Банк ҳисоби  
ва аудит" кафедраси доценти, PhD**

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss4/a11](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a11)

**Аннотация.** Ушбу мақолада тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари келтирилган. Бундан ташқари республикамиз тижорат банкларининг капитали миқдори ва динамикаси, устав капиталининг ўз маблағларидаги улуши ҳамда уларнинг капиталлашув даражасини тавсифловчи қўрсаткичлар ҳолати таҳлил қилинган ва хуносалар берилган.

**Таянч сўзлар:** тижорат банклари, капиталлашув даражаси, ресурс база, капитал, молиявий барқарорлик, устав капитали, субординар қарз мажбуриятлари.

## **АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ УРОВНЯ КАПИТАЛИЗАЦИИ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ**

**Курбанов Руфат Бахтиёрович -**  
**кандидат экономических наук, доцент кафедры  
«Банковского учета и аудита»  
Ташкентского финансового института**

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются актуальные вопросы повышения уровня капитализации и укрепления финансовой устойчивости коммерческих банков. Кроме того, анализируются размер и динамика капитала коммерческих банков республики, доля уставного капитала в собственных средствах и состояние показателей, характеризующих уровень их капитализации, и делаются выводы.

**Ключевые слова:** коммерческие банки, уровень капитализации, ресурсная база, капитал, финансовая устойчивость, уставный капитал, субординированный долг.

## TOPICAL ISSUES OF INCREASING THE LEVEL OF CAPITALIZATION IN COMMERCIAL BANKS

**Kurbanov Rufat Bakhtiyorovich -**

*PhD., Associate Professor of the department of  
"Bank accounting and audit", Tashkent Institute of Finance*

**Abstract.** This article addresses topical issues of increasing the level of capitalization and strengthening the financial stability of commercial banks. In addition, the amount and dynamics of capital of commercial banks of the republic, the share of authorized capital in their own funds and the state of indicators characterizing their level of capitalization are analyzed and conclusions are made.

**Key words:** commercial banks, capitalization rate, resource base, capital, financial stability, authorized capital, subordinate debt.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш масаласи устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилган [1]. Мазкур вазифаларни ўз вақтида ва самарали бажариш мақсадида Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги ПФ-5992-сонли фармони билан 2025 йилга қадар банклар устав капиталининг энг кам миқдорини 500 млрд. сўмгача босқичма-босқич ошириш белгиланган [2].

Айни вақтда республикамиз тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш мақсадида ечимини топиш лозим бўлган бир қатор масалалар мавжуд. Хусусан, тижорат банкларининг капиталлашув даражаси сустлиги, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан охирги йилларда катта миқдорда маблағлар йўналтирилиши, фонд бозорида тижорат банкларининг эмитент ҳамда инвестор сифатидаги фаол эмаслиги, ўз мижозларига етарли даражада сифатли хизмат кўрсата олмаётганини, ресурслар базасининг заифлиги, банк капиталининг ЯИМдаги улуши пастлиги ва бошқа шу каби муаммолар мавжуд.

**Адабиётлар таҳлили.** Мавжуд иқтисодий адабиётларда "капиталлашув даражаси" тушунчаси, уни ошириш масалалари хорижлик олимлар, мутахассислар томонидан ўрганилган ва тегишли таърифлар берилган. Даставвал А.Б.Борисовнинг "Катта иқтисодий луғати"да "Капитализация деганда, банкнинг қимматбаҳо қофозларини муомалага чиқариб, сотишдан тушган ва даромадидан маълум захиралар ташкил этиш учун ажратилган маб-

лағлар ҳисобига банк капиталининг ўсган қисми тушунилади" [3].

Питер С. Роуз томонидан банк капиталининг бозор қиймати деганда, чиқарилган акцияларнинг жорий курс бўйича қийматига чиқарилган акциялар сонининг кўпайтмаси тушунилади [4].

А.С.Климов тадқиқотларида "капиталлашув" тушунчасига, "кредит ташкилоти капиталининг бозор қиймати ҳақида акциялар сонининг уларнинг бозор қийматига кўпайтмаси сифатида" деб таъриф берилган [5].

Професор А.Омонов ўзининг "Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари" мавзусидаги иқтисод фанлари докторлик диссертациясида тижорат банкларининг капиталлашув даражасига таъсир этувчи омилларни батафсил таснифлаб берган [6].

Ph.D М.Э.Эгамова ўзининг тадқиқотида "Тижорат банклари фаолиятини сармоясиз, яъни етарли даражада капиталлашувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис тижорат банклари капитали дастлаб банкларни очиш жараёнида, кейинчалик эса Марказий банкнинг иқтисодий нормативларини бажаришда асосий мезон ва банк фаолиятида кутилмаганда вужудга келиши мумкин бўлган йўқотишиларни қоплашда "ҳимоя ёстиқаси" сифатида муҳим молиявий манба бўлиб хизмат қиласи" деган тушунчани берган [7].

Айнан И.Б.Турсунов ўзининг тадқиқот ишида аниқ бир банкнинг капиталлашви кўп жиҳатдан хусусий капиталнинг мутлақ ҳажми билан белгиланишини асослаб берган [8].

Доцент, и.ф.н. З.А.Холмахмадовнинг тадқиқот ишида эса Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган дол зарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал

қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилған [9].

**Тадқиқот методологияси.** Мақолани тайёрлашда тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш бўйича амалий маълумотлар таҳлил қилинди ва барча фойдаланилган маълумотлар амалдаги қонун ҳужжатлари ва Марказий банкнинг статистик кўрсаткичлари асосида муалллиф томонидан тадқиқ қилинди. Мақолада гурухлаштириш, таққослаш, тизимли ёндашув ва таркибий таҳлил усуллари кўлланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мамлакат банк тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг зарури шарти ҳисобланади [10]. Бизга маълумки, тижорат банклари капитали банк акциядорлари маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади. Кўйидаги жадвалда мамлакатимиз тижорат банкларининг шаклланган капитали ҳақида умумий маълумот келтирилган.

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон тижорат банклари капиталининг амалий ҳолати [11]

млрд. сўмда

№	Банк номи	2019 йил		2020 йил		2021 йил		Ўзгариши (+/-)		
		сумма	улуш, %да	сумма	улуш, %да	сумма	улуш, %да	сумма	Ўсиш суръати	
<b>Жами:</b>		<b>51031</b>	<b>100</b>	<b>58351</b>	<b>100</b>	<b>70918</b>	<b>100</b>	<b>19887</b>	<b>39</b>	
<b>Давлат улуши мавжуд банклар</b>		<b>44267</b>	<b>87</b>	<b>48996</b>	<b>86</b>	<b>57695</b>	<b>81</b>	<b>13429</b>	<b>30</b>	
1.	Ўзмиллийбанк	13141	25,8	13873	23,8	14769	20,8	1628	12	
2.	Ўзсаноатқурилиш-банк	6247	12,2	6704	11,5	7701	10,9	1454	23	
3.	Асака банк	6128	12,0	6426	11,0	6505	9,2	377	6	
4.	Ипотека банк	3730	7,3	4274	7,3	5087	7,2	1357	36	
5.	Агробанк	4627	9,1	5371	9,2	9346	13,2	4719	102	
6.	Халқ банки	4361	8,5	4869	8,3	5480	7,7	1119	26	
7.	Қишлоқ қурилиш банк	1446	2,8	2414	4,1	2696	3,8	1251	86	
8.	Микрокредитбанк	1625	3,2	1738	3,0	2321	3,3	696	43	
9.	Алоқа банк	1396	2,7	1569	2,7	1674	2,4	278	20	
10.	Турон банк	1091	2,1	1210	2,1	1915	2,7	824	76	
11.	Пойтахт банк	107	0,2	124	0,2	135	0,2	28	26	
12.	Ўзагроэкспортбанк	83	0,2	86	0,1	67	0,1	-16	-20	
<b>Бошқа банклар</b>		<b>6764</b>	<b>13</b>	<b>9355</b>	<b>14</b>	<b>13222</b>	<b>19</b>	<b>6458</b>	<b>95</b>	
13.	Капитал банк	653	3,5	867	2,5	1489	2,1	836	128	
14.	Ҳамкор банк	1138	2,8	1478	2,9	1928	2,7	790	69	
15.	Ипак ўёли банк	728	2,1	1191	2,0	1532	2,2	804	110	
16.	ЎзҚДБ банк	592	1,7	661	0,5	758	1,1	166	28	
17.	Траст банк	518	1,6	821	0,8	1 182	1,7	664	128	
18.	Ориент Финанс банк	878	1,3	1 125	1,1	1 343	1,9	465	53	
19.	Инвест Финанс банк	519	1,3	628	1,2	765	1,1	246	47	
20.	Тенге банк	116	0,8	361	0,5	1230	1,7	1114	960	
21.	Азия Альянс банк*	285	0,7	338	0,6	397	0,6	112	39	
22.	Давр банк	202	0,6	303	0,7	409	0,6	207	102	
23.	Зираат банк	280	0,4	319	0,3	350	0,5	70	25	
24.	Универсал банк	125	0,3	180	0,2	195	0,3	70	56	
25.	Савдогар банк	164	0,3	179	0,3	192	0,3	28	17	
26.	Туркистон банк	147	0,3	158	0,2	160	0,2	13	9	
27.	Анор банк	0	0,3	100	0,2	187	0,3	187	x	
28.	Тибиси банк	0	0,2	199	0,1	304	0,4	304	x	
29.	Равнақ банк	130	0,2	137	0,2	143	0,2	13	10	
30.	Эрон Содерот банк	326	0,1	365	0,0	385	0,5	59	18	
31.	Хай-Тек банк	120	0,1	139	0,0	105	0,1	-15	-13	
32.	Мадад инвест банк	128	0,1	144	0,1	148	0,2	20	16	
33.	Апельсин банк	0	0,0	0	0,0	20	0,0	20	x	

\*Азия Альянс банк 2019 йилда давлат улуши мавжуд банклар таркибига киритилиб ҳисобланган.

1-жадвал маълумотларидан тижорат банклари жами капитали 70,9 трлн. сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин, унинг 57,7 трлн. сўми ёки 81 фоизи капитал таркибида давлат улуши мавжуд банклар ҳиссасига тўғри келяпти. Эътиборли жиҳати шундаки, агар 2022 йил 1 январь ҳолатига давлат улуши мавжуд банклар 12 тани ташкил этган бўлса, уларнинг ичидан капиталнинг асосий улуши, яъни 44,9 фоизи Ўзмиллийбанк, Ўзсаноатқурилишбанк ва Агробанк ҳиссаларига тўғри келган. Бундан ташқари маълумотлардан кўриш мумкинки, қатор банклар (Апельсин банк, Ўзагроэкспортбанк, Хай-Тек банк, Мадад инвест банк, Равнақ банк, Туркистонбанк, Универсал банк) 2025 йил 1 январга қадар устав капиталини 500,0

млрд. сўмга чиқаришлари бўйича тегишли чора-тадбирларни кўришлари лозим, акс ҳолда улар капиталнинг минимал даражасини бајармаганлиги туфайли Марказий банк тегишли қарорларни қабул қилишга сабаб бўлади.

Бизга маълумки, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини оширишнинг асосий йўлларидан бири банк устав капиталини оширишdir [12]. Республикаизда кейинги йилларда тижорат банклари устав капиталини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида банклар ўз маблағлари таркибида устав капитали салмоқли улушни ташкил этмоқда. Буни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

## 2-жадвал

### Республикамиз тижорат банклари устав капиталининг ўз маблағларига нисбати [11]

Йиллар	Банклар устав капитали, млрд. сўм	Банкларнинг ўз маблағлари, млрд. сўм	Устав капиталининг банкларнинг ўз маблағларига нисбати, %
2015 йил	4319	7784	55,49
2016 йил	5805	9353	62,07
2017 йил	16307	20676	78,87
2018 йил	19673	26679	73,74
2019 йил	41877	51031	82,06
2020 йил	44656	58351	76,53
2021 йил	54760	70918	77,22

Юқоридаги жадвал маълумотлари орқали шуни кўриш мумкинки, тижорат банклари устав капиталининг ўз маблағларига нисбати охирги йилда ўсиш тенденцияни кўрсатмоқда. Лекин 2018 йилда, аксинча, сезиларли даражада пасайган бўлса-да, 2019 йилда бу кўрсаткич 82,06 фоизгача ошган. Бунга, асосан, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли қарор ижроси сабаб бўлди. Унга кўра, барча тижорат банкларининг устав капитали 2019 йил 1 январгача 100 млрд. сўмга оширилиши белгиланди. Тижорат банклари устав капитали ва ўз маблағлари миқдор жиҳатдан йиллар мобайнида ошиб борган. Устав капиталининг жами капитал ҳажмида юқори салмоқни эгаллаши ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки устав капитали юқори барқарорлик даражасига эга бўлган молиялаштириш манбай ҳисобланади.

Республикамизда банк капиталлашув даражасини ошириш масалаларини ҳал

қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 май куни “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги 5992-сонли фармони қабул қилинди, мазкур фармонда 6 та банкдаги (ТИФ Миллий банки, АТ Саноатқурилиш банки, АТ Асака банки, АТ Ипотека банки, АТ Агробанки, АТ Халқ банки) давлат улушларини босқичма-босқич хусусийлаштириш ва улушни жиддий камайтириш вазифалари белгилаб берилган.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, республикамиз тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини тавсифловчи кўрсаткичларга баҳо беришимиз зарур. Бунда 2 та асосий кўрсаткичга эътибор қаратиш керак:

1. Банкнинг регулятив капитал ҳажми.
2. Банкнинг регулятив капитал етарлилик (монандлик) даражаси [13].



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капиталлашув даражасини тавсифловчи кўрсаткичларнинг ҳолати [11]**

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2016-2021 йилларда республикализ тижорат банкларининг регулятив капитали миқдори ўсиш ёки пасайиш тенденциясига эга бўлган. Охирги йилларда пасайиш тенденциясини кўрсатиши тижорат банклари учун хавотирили ҳолат ҳисобланади. Сабаби республикализ тижорат банкларида рискка тортилган активлар ҳажми банкнинг регулятив капиталига нисбатан тез ўсиш суръатини кўрсатмоқда. Бунинг олдини олиш учун тижорат банклари қўшимча капиталнинг таркиби бўлган субординар қарз мажбуриятларини кенгроқ жалб қилиши керак.

**Холоса ва таклифлар.** Ҳозирги кунда тижорат банкларининг узоқ муддатли субординар қарз мажбуриятларини муомалага чиқариш уларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва барқарорлигига эришишнинг замонавий инструментларидан ҳисобланади. Бунда тижорат банклари қўшимча капитал базасини ошириш имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш лозим. Мамлакатимиз тижорат банклари қўшимча капитали базаси нисбатан заиф бўлиб, унинг барқарорлигини оширишнинг қатор имкониятлари мавжуд. Жумладан, субординар қимматли қоғозларни муомалага чиқариш мумкин.

Шу билан бирга, мамлакатда ЯИМнинг йилдан йилга ошиб бораётгандиги тижорат банкларининг кредит қўйилмалари ҳажми ортишига, бу эса ўз навбатида, уларнинг капиталлашув даражасини оширишни талаб этади. Бунинг натижасида банк капитали барқарорлигига эришиш мумкин.

Юқорида амалга оширилган таҳлиллар ва ўрганишлар асосида банклар капиталла-

шув даражасига ошириш мақсадида қўйидаги тавсияларни ишлаб чиқишига муваффақ бўлдик:

1. Тижорат банклари капиталлашув даражасини босқичма-босқич ошириб бориш мақсадга мувофиқ.

2. Давлат томонидан молиявий имтиёзлар қўллаш орқали тижорат банклари акцияларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш ҳамда шунинг асосида 2025 йил 1 январгача банклар устав капиталининг минимал миқдорларини белгиланган талаблар даражасига келтирилишига эришиш зарур.

3. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш орқали узоқ муддат давомида муомалада бўладиган ва цессиялар орқали эгасини алмаштириш мумкин бўлган субординар қарз мажбуриятларини чиқариш зарур.

4. Давлат томонидан тижорат банкларининг устав капиталига қўйилган маблағлар иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун ўйналиримоғи ва ушбу маблағлар учун тўланадиган дивидендлар тўлиғича банкларнинг капиталлашув даражасини оширишга сарфланмоғи лозим.

5. Таҳлиллар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишда замонавий йўлларни, яна ҳам соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, хорижда ўзининг ижобий натижасини берган тажрибаларни кенгроқ қўллаш лозим. Хусусан, банкларнинг ўз маблағлари таркибидаги қўшилган капиталнинг ҳажмини ошириш орқали уларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва барқарорликка эришиш мақсадга мувофиқ.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони, 2017 йил 7 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги ПФ-5992-сонли фармони, 2020 йил 12 май.
3. Борисов А.Б. Большой экономический словарь. Издание второе. – М.: Книжный мир, 2006 г. С. 300.
4. Роуз П.С. Банковский менеджмент. – М.: Дело, 2014. 238-б.
5. Климов А.С. Капитализация коммерческих банков: мировая практика и ее использование российскими банковскими структурами. Диссертация кандидата экономических наук. – М., 2008. – 180 с.
6. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2008. – 36 б.
7. Эгамова М.Э. Тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишда даромаднинг роли. Иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy). Дис. автореферати. – Т.: ТМИ, 2019. – 28 б.
8. Tursunov I.B. Tijorat banki kapitallashuviga korporativ boshqaruv ta'sirini oshirish. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Т., 2021. – 56 б.
9. Холмахмадов З.А. Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари. // "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий-электрон журнали. 1-сон, 2018 йил, февраль.
10. Kurbanov R.B., Khudoberganova Z.Z. Matters of the increasement of private banks' capitalization level. // Экономика и бизнес: теория и практика. 2018. №. 6. С. 103-105.
11. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
12. Kurbonov, R. (2019) THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF THE FORMATION OF PRIVATE BANKS' RESOURCE BASE, International Finance and Accounting: Vol. 2019: Iss. 5, Article 7. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss5/7>
13. Kurbonov, R. PhD (2021) "ANALYSIS OF EFFICIENCY INDICATORS OF PRIVATE BANKS ACTIVITY," International Finance and Accounting: Vol. 2021 : Iss. 1 , Article 11. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss1/11>
14. Kurbanov, Ziyat Niyazovich, and Komil Khotamov. "Issues of improving analysis of taxes." Социально-экономическое развитие россии и регионов в цифрах статистики. 2017.



**МИЛЛИЙ БАНК ТИЗИМИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ  
ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН  
ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**Ибодуллаев Шоҳбоз Тўлқин ўғли -  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университетининг  
мустақил изланувчиси**

**doi:** [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss4/a12](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a12)

**Аннотация.** Тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш миллий банк тизимини трансформациялашнинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш банклар томонидан муомалага чиқариладиган қимматли қоғозларни қулагай бозор баҳоларидан жойлаштириши ва уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишига қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** тижорат банки, инвестицион жозибадорлик, актив, капитал, рентабеллик, фоизли спрэд, соф фойда, кредит, муаммоли кредит.